

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 4 декабрь • № 49-50 (1070 -1071)

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ



Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 40-моддаси.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажagini, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Унда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида мутасил иш олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, десак янглишмаймиз.

Зеро, бу борада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Чунки, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти фуқароларнинг жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан соғломлик даражасига бевосита боғлиқ эканлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор эта олмайди.

Таъкидлаш муҳимки, Конституциямизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфатлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилганлиги ҳам юртимиздаги барча саъй-ҳаракатлар аҳолининг фаровон, соғлом ҳаёт кечиршини таъминлаш учун хизмат қилишини аналатади. Зеро, Бош Қомусимизнинг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»лиги қатъий белгиланган. Бундан ташқари, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз



ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи

назар, фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди».

Бу каби мустақам ҳуқуқий пойдевор мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам, халқ

таълими тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотлар самардорлиги даражасини оширишга олиб келди, бунинг (Давоми 2-бетда).

Матбуот анжумани

КАРДИОЛОГИЯНИНГ ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИ

2015 йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида кардиологиянинг долзарб масалалари ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, юртимизда юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш масалаларига қаратилаётган эътибор, ушбу соҳада қўлга киритилган

ютуқларни алоҳида қайд этиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур матбуот анжуманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази раҳбар ходимлари, илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, профессор Равшан Курбонов марказ фаолияти, ташкил этилган бўлимлар, кадрлар салоҳиятига атрофлича тўхталди. Анжуманда қайд этилганидек, айна пайтда Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида 10 та махсус кардиологик бўлим фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимларда артериал гипертензия, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касалликлари, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталикларни

самарали даволаш йўлга қўйилган. Шунингдек, 250 қатновга мўлжалланган, замонавий қулайликларга эга маслаҳат по-



ликлиникаси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда беморларга профессорлар ва олий тоифали карди-

ологлар томонидан тиббий маслаҳатлар берилиб, велоэргометрия, ЭКГни сутка давомида ёзиб олиш, эхокардиогра-

фия, биокимёвий таҳлиллар каби замонавий текширувлар ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

учун пухта замин яратилди. Бу масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб, мунтазам равишда ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Тиббиёт тизими қисқа фурсат ичида миллий моделнинг умумэтироф этилган халқаро андозаларига мос ҳолда шаклланди. Янгидан янги замонавий шифо масканлари ва уларнинг бугунги кун талабига монанд ҳолда жиҳозланиши, инсон саломатлигини яхшилаш ва касалликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, даволаш билан боғлиқ жараёнларга илм-фан ютуқларини кенг жалб этиш масалалари биргина Қомусимизнинг олтин қондаларида ўз ифодасини топди. Шубҳасизки, миллий ўзликни англаш, миллат генофондини асраб-авайлаш, сифатли ва кафолатли тиббий хизмат турларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи халқимизнинг эзгу мақсадлари учун хизмат қилмоқда.

Биргина оналик ва болаликни муҳофазалаш ҳақида сўз юритганда, дунё таърибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти жорий қилинганига тўхталмасдан бўлмайди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида, вазни кам болалар туғилишининг олди олинаётганида намоён бўлмоқда. Она ва бола ўлими 3 баробардан зиёдга қамайиши, шунингдек, мамлакатимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазни болалар 19 дан 5 фоизгача, тугруқ ёшидаги аёллар ўртасида охириги йилларда камқонлик фоизи 60,0 дан 33,15 фоизгача қамайди. Эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликларининг рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шу боис, 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан ҳоли ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди.

Кези келганда тўхталиш жоизки, Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур қарор асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга

мўлжалланган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Кўпгина таникли халқаро экспертларнинг эътироф этишича, миллатлараро осойишталикни сақлаш, миллат, элат ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг ўз Конституциясига эга бўлганлиги эришилган энг муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади. Республикаимизда миллатлараро тотувлик ва ўзаро уйғунлик муҳити ҳукмронлик қилаётгани барча хорижликларнинг ҳайрат ва ҳавасини келтирмоқда. Бунинг бугун кўпгина тармоқлар сингари тиббиёт соҳасида ҳам бевосита кўриш мумкин. Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон, Япония, Хитой, араб давлатлари, фарб мамлакатларининг нуфузли тиббиёт клиникалари билан олиб борилган ҳамкорлик бугун ўз самарасини бермоқда.

Фахр билан айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиёти кўплаб муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ўзбекистон Буюк Британиянинг «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳали-ҳанузгача ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Бир сўз билан айтганда, «Соғлом она – соғлом бола» миллий гоёсини ўзида ифода этувчи дастурлар асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилиши натижасида скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар ҳамда уларнинг вилоятлардаги филиаллари тиббиётимиз ривожига мустаҳкам ўрин эгаллади. Қолаверса, юртимизда Республика иxtисослашти-

рилган акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, шунингдек, уларнинг жойлардаги филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада Скрининг марказлари, вилоят кўп тармоқли болалар шифоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида юксак натижаларга эришилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги уч йил давомида 960 мингдан зиёд чақалоқ ва қарийб 1 миллион 400 минг нафар ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Замонавий технологияга асосланган ультратовуш ҳамда биокимёвий усулга асосланган текширув натижасида кейинги икки ярим йил ичида қарийб 35 мингга яқин нуқсонли бола туғилишининг олдини олишга эришилди. Агар ушбу рақам ортида минглаб оналар, оилалар қувончи борлигини назарда тутсак, тизимда нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганлигини англаш қийин эмас.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди».

Намоз ТОЛИПОВ.

Матбуот анжумани

КАРДИОЛОГИЯНИНГ ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИ

– Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида кардиодиспансерлар, иккита вилоятда эса мазкур ихтисослаштирилган марказнинг филиаллари ташкил этилган, – дейди **Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг юрак аритмияси бўлими мудир, тиббиёт фанлари доктори Нодир Зокиров**. – Бу эса республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига малакали шифокорлар томонидан юқори технологик тиббий хизмат кўрсатишни таъминламоқда. Таъкидлаш жоиз, марказимизда малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, марказда ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортиқ кардиолог мутахассис тайёрланмоқда. Охириги ўн йилликда 250 нафардан ортиқ кардиолог тайёрланиб, ҳозирда улар мамлакатимизнинг даволаш муассасаларида хизмат қилмоқда. Марказда хориж давлатларидаги етакчи кардиологик кли-

(Давоми. Боши 1-бетда).

никалар билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорлик доирасида ёш шифокорлар хорижий давлатларнинг етакчи кардиологик клиникаларида ўз малакаларини ошириб келмоқда. Тиббиётнинг барча соҳаларида бўлгани каби кардиология йўналишида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва вилоятлардаги кардиодиспансерлар жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, юқори технологик даволаш ва диагностика усуллари амалиётга кенг жорий этилди. Марказда охириги беш йилликда рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлими ташкил қилиниб, бўлим замонавий ангиографик ускуна билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда коронароангиография – юрак тожсимон артерияларининг тоярайган қисмларини аниқлаш, уларга стент (найча) ўрнатиш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бу йил марказда кардиожаррохлик бўлими ишга туширилди. Бўлим замонавий тиббий

асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, малакали кадрлар тайёрланди. Бўлимда очик усулдаги мураккаб операциялар амалиётлари бажарилди. Шундай қилиб, юрак ишемик касаллигининг оғир турларида аорта коронар шунтлаш (АҚШ), юрак порокларини жаррохлик усули билан тиклаш каби мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида марказимизда 90 дан ортиқ беморда бундай мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди.

Кардиология марказида йилига мингдан ортиқ беморда ушбу даволаш амалиёти қўлланиб келинмоқда. Бундай усул билан даволаш орқали юрак қон-томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард инфарктининг олдини олиш мумкин. Шуниси қувонарлики, замонавий усуллар ёрдамида даволаш ишлари Наманган, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ҳам йўлга қўйилган бўлиб, мазкур жойларда мураккаб операция жараёнлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кардиология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, замонавий юқори технологик даволаш ва диагностика усулларини республи-



камиз ҳудудларига, тиббиётнинг қуйи бўғинларига татбиқ этиш мақсадида марказнинг етакчи олимлари томонидан маҳорат дарслари олиб борилмоқда. Ҳозиргача маҳорат дарслари Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Хо-

разм, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона, Наманган вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш, хусусан, кардиология соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг қўла кенг. Мустақиллигимиз шарофати билан Ўртбошимизнинг инсон саломатлиги ва манфаатлари, миллатни янада соғломлаштиришга, баркамол авлодни тарбиялашга чексиз эътибор ва гамхўрлиги боис, мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Анжуман

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Пойтахтимизда ички касалликлар диагностикаси, даволаш ва тиббий реабилитация соҳасидаги замонавий технологияларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Худаяров кириш сўзи билан очиб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган самарали ишларга алоҳида эъти-

бор қаратди. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори А. Алявий ва бошқалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида илм-фан ва жаҳон тиб-

биётининг илғор ютуқларини татбиқ этиш, тиббиёт муассасаларини модернизациялашга қаратилаётган доимий эътибор инсон саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётганлигини таъкидладилар.

Мамлакатимизда аҳолига терапия ва тиббий реабилитация йўналишида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тизим шаклланди. Жаҳон андозалари даражасидаги технологиялар билан жиҳозланган бирламчи тиббий-санитария бўғинида тиббий-профилактика тадбирларини самарали ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Туман ва вилоятлардаги шифохоналар ички касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш борасида қўлланиладиган илғор технологиялар билан жиҳозлангани аҳоли саломатлигини асрашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этди. Бугунги кунда марказда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатилиб, илм-фан-

нинг долзарб йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

– Илм-фанимиз эришаётган бундай тажрибаларни жойларда татбиқ этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида тўрт юздан ортиқ маҳорат дарслари

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор А. Алявий.

Анжуманда ички касалликлар диагностикасида қўлланилаётган янги технологиялар, даво-



ўтказилди. Саломатлик ҳафталиклари доирасида ҳудудларда ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда эллик мингдан зиёд аҳолига ушбу йўналишда маслаҳат-ташхис ёрдами кўрсатилди, – дейди

лаш ва реабилитациянинг замонавий йўналишларига оид маърузалар тингланди. Терапия ва тиббий реабилитациянинг турли йўналишлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

ЎЗА.

Маҳорат дарслари

СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТИШ БАХТИ

Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тиббиёт муассасаларини янги технологиялар билан жиҳозлаш, даволашнинг илғор услубларини амалиётга жорий этиш, жаҳон илм-фанининг устувор йўналишларига оид илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, нейрохирургия соҳасида эришилаётган муваффақиятлар қувончли.

Республика нейрохирургия илмий марказида ҳам беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш баробарида ноёб операция жараёнлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Бугунги кунда ушбу марказ республикамизда етакчи муассасалар-

Бу борадаги ютуқлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги нуфузли тиббиёт муассасалари ҳамда етакчи клиникалар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ана шундай ҳамкорлик доирасида Украина, Германия, Буюк Британия-

рашда юксак самаралар беради, – дейди Украина нейрохирурглар уюшмаси вице-президенти Александр Возняк. – Ушбу замонавий технология воситасида касалликка аниқ ташхис қўйиш, операцияни мининвазив услубда ўтказишга эришилади. Бу даволаш самарадорлигини ошириш, хасталик асоратлари ва ногиронликнинг олдини олиш, беморларни соғлом ҳаётга қайтаришда жуда катта имкониятдир. Ўзбекистонлик шифокорлар билан ана шу усулда ўтказган операцияларимиз муваффақиятли яқунланди. Албатта, бунга

лиги соҳа мутахассислари касб малакасини ошириш ҳамда илмий салоҳият йўлидаги изланишларини рўёбга чиқармоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида узвий давом этиб келаётган маҳорат дарсларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Йил бошидан буён Республика нейрохирургия илмий маркази, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Республика реабилитация маркази ҳамда Республика вертибология илмий маркази ҳамкорлигидаги маҳорат дарсларининг

ди. Ўтказилган ушбу операциялар умуртқа поғонасидаги шикастланиш ва хасталикларда операция жараёнини нейронавигацион системадан фойдаланиш даврида умуртқа поғонанинг нотурғунликларидан транспедикуляр системалар ўрнатиш ва орқа мия илдизларининг электронейромиография усулида операция жараёнида текширилиб, муолажаларни давом эттириш имконини беради, – дейди Республика вертибология илмий маркази директори Олимжон Абдухолиқов.



дан бири ҳисобланади. Марказнинг маслаҳат-ташхис поликлиникаси энг сўнгги русумдаги диагностика ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, касалликларни самарали даволашга хизмат қилмоқда.

– Марказда нейрожарроҳликнинг турли йўналишлари, жумладан, бош мия ўсмаларини тезкор даволаш бўйича илғор тажрибалар йўлга қўйилган.

дан бир гуруҳ мутахассислар мамлакатимизга ташриф буюриб, улар билан биргаликда нейрожарроҳлик йўналишида даволашнинг янги услублари асосида операциялар ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилди, – дейди Республика нейрохирургия илмий маркази директори Файрат Қориев.

– Нейрожарроҳлик соҳасида навигация тизимларидан фойдаланиш инсон саломатлигини ас-

эришимизда марказда яратилган замонавий шароитлар ва шифокорларнинг юксак маҳорати катта роль ўйнади.

– Аввало, мамлакатимиз тиббиёти ривожланишида ва жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеига эга бўлишида давлатимиз раҳбарининг ўрни алоҳида эканлигини эътироф этмоқчиман. Мустақиллик шарофати билан тиббиётимизнинг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётган-

жойларда ўтказилиши маҳаллий мутахассислар тажрибасини ошириш баробарида аҳолига енгиллик туғдирмоқда. Республика нейрохирургия илмий марказида олиб борилган умуртқа поғонаси ва орқа мия шикастланиши ва хасталигини даволаш бўйича ўтказилган операция жараёнлари тўғридан-тўғри операция хонасидан маҳорат дарсларида иштирок этаётган нейрохирургларга овозли тарзда намоиш қилин-

Мазкур тиббий-ижтимоий акция доирасида марказда бир нечта беморга тиббий ёрдам кўрсатилди. Нейрохирургияда қўлланилаётган янгиликлар бўйича ўзаро тажриба алмашилди. Тиббиёт тизимини ривожлантириш бўйича келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

КАСАЛЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ

СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИДА БЎЛДИ

Пойтахтимизда ОИВ инфекциясининг ҳозирги замон диагностикаси, олдини олиш ва даволаш масалалари мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари С. Сайдалиев, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили С. Приснер, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Н. Отабеков ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида санитария-эпидемиология мухити барқарорли-

гини сақлаш, тиббий-профилактика ишларини тизимли ташкил этишга қаратилаётган доимий эътибор ОИВ ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш, халқимизнинг саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. “Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши

курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмокда.

Анжуманда ОИВ инфекцияси профилактикаси, уни даволаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, замонавий усулларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, соҳага ёш олимлар ва мутахассислар эътиборини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ижро ҳокимияти ва ННТлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

– ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, бундай касаллик билан хасталанган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида зарур чора-тадбирлар



амалга оширилмокда, – дейди **Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори Венера Баротова.** – Марказимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган. Лабораториямиз замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Зарур кўргазмали воситалар билан таъминланган “ишонч хоналари” таърибот-тушунтириш ишларини

олиб боришда мутахассисларга қулайлик туғдирмокда.

Тадбирда ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, бу дарда чалинган инсонларнинг умрини узайтириш, уларнинг меҳнат қобилиятини ошириш ва унинг профилактикасини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Эҳтиром

СИЗГА НАЖОТ БАХШ ЭТАЙ

Устозга ҳавас қилиб

Эшикни аста тақиллатиб, изн бўлгач, ичкарига кирдим. Оқ халатли аёл кирганимни сезмагандек, ўз ишида давом этди. Хона соҳибаси беморни ультратовуш аппаратида текширар, хулосаларини компьютерга ёзиб кўярди. Орадан маълум вақт ўтса ҳамки, шифокорнинг мен томонга қайрилиб қарамаётганидан таажжубланиб, секин йўталиб қўйдим.

– Кечирасиз, ҳалиги, мен бемор эмасман, сизга шогирд бўлишни истаб...

– Ҳмм, яхши! – деди устоз менга маъноли қараб.

– Сиз ҳақингизда кўп эшитганман, гойибона ўзимга устоз деб биламан.

Опанинг синчков нигоҳлари менга қадалди. Ўнғайсизландим. Жуда таниқли шифокорлардан бири бўлса, менга ўхшаган шогирдлари кўпдир.

– Бу ерга келибсизми, мен ҳақимдаги барча гапларни билсангиз керак, талабчанман, менга ишни наридан-бери қиладиган кадрлар шогирд бўлолмайди. Айниқса, ультратовуш аппаратида ишлайдиган шифокорлар бағоят синчков, ўткир нигоҳ эгаси бўлиши керак. Ҳузуримга илм истаб келганларнинг кўксидан итармайман. Майли, шогирдларим қаторига қўшилишингиз мумкин. Аммо менинг талабларимга дош беролмасдан кетиб қолган ҳамкасбларимиз кўплигини ҳам айтиб қўяй, – деди Зилола Амирова.

Мен ультратовуш шифокорининг ҳар бир гапини диққат билан тингладим, рози бўлдим. Чунки ёш кадр ҳар қандай ишга тайёр туриши керак.

– Марҳамат, ўтиринг, беморни текширинг!

Ажабланаётганимни сезган Зилола Файзуллаевна ишонч билан қаради. Иккиланганини йиғиштирдим ва аппарат ёнига ўтирдим.

– Кўркманг, билимингиз бор, назарияни эгаллагансиз, амалиёт шунинг давоми. Журъатли бўлинг, шунда кўп нарсага эришасиз!

Ана буни устознинг шогирдига берадиган муҳим сабоғи, деса бўлади. Билганимча беморнинг ички аъзосини ультратовуш аппаратида текшира бошладим. Хулосамни кўрган устознинг юзи ёришди. Мен қўйган ташхис тўғри бўлиб чиқди.

2011 йилда устозим Зилола Амирова билан илк учрашган ўша кунни яхши эслайман. Опанинг оналарга хос меҳрибонлиги, устозларга хос талабчанлиги умр йўлимга, касб-коримга мазмун бағишлаётгани рост. Мана, орадан тўрт йил ўтса ҳамки, мен Зилола опа билан доимо ҳамкорман. Ҳафтанинг беш кунни мобайнида Республика ноғиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг ультратовуш хонасида ноғиронликнинг турли даражаларига учраган беморларни текшириб, ташхис қўйсам, шанба кунни устозим фаолият

кўрсатаётган Республика шошилч тиббий ёрдам илмий марказига йўл оламман. Бу ерда ҳар сафар мени Зилола опа илик ва самимий қаршилайди...

Нажот билан боққан нигоҳ

Ҳар тонг Ноғиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ошиқаман. Функционал диагностика бўлими олдида навбат кутиб турган беморларнинг менга нажот билан боққан нигоҳлари қаршисида ўзимни масъулиятли сезаман. Тараққиётни қарангки, илгари касалликни шифокор бемор оғзидан эшитган симптомларга қараб аниқлаган бўлса, бугун бир лаҳзада замонавий апаратура организмнинг ички томони қандай ҳолатда эканлиги бўйича ахборт беради.

– Доктор, илтимос, текширувни тезроқ бошланг, онам пешобини ушлаб туролмайди!

Хонага кирмасимдан ёшигина бир қиз менга пешвоз чиқди. Ичкарига кириб, деразани очаман, хона ҳавосини янгилаш керак.

– Биз ҳам сизнинг қабулингизга, доктор! – деган жўровозга гувоҳ бўламан.

Яна ўша фикр миямга чақиндек урилади: ҳаммаси нажот излаб келган, ёрдам бериш керак. Навбатда турганлардан узр сўраб, онасини бошлаб келган ҳалиги қизни ичкарига таклиф қилдим. Она бир ҳолатда, қизнинг юз-кўзи ташвишга тўла.

Онаизорни синчиклаб текшириш жараёнида қовуғи (сийдик

копи)да катетр фолле ва тош борлигини аниқладим.

– Тинчланинг синглим, ҳаммаси яхши бўлади. Ташвишланадиган жойи йўқ, бир-икки муолажа олсалар, яхши бўлиб кетадилар, – деб далда бердим.

Маълум бўлишича, ер музлаб, яхмалак бўлган бир паллада она ва қизнинг Сурхондарёдан Тошкентга келиш зарурати пайдо бўлади. Улар ўтирган машина олд тарафдан келаётган улов билан тўқнашиб кетади. Қизнинг қўли, онасининг умуртқа поғонаси синади. Онаси беҳуш бўлиб қолганидан кўрқиб кетган қиз йўловчи машинани тўхтатиб, уни зудлик билан Тошкентга олиб келади. Республика шошилч тиббий ёрдам илмий марказига етиб келган беморлар зудлик билан қабул қилинади. Қизнинг қўлини гипслаб қўйишади. Унинг бутун хавотири онасида. 15 кун шифохонада ётган бемор қиз онасининг гапира олмаётганидан кўрқиб кетди. Маълум муддат ўтиб, она тилга кирса-да, унинг белидан пастки қисми гўёки ҳаракатсиз эди. Шифокорлар оғир аҳволга тушган беморнинг аҳволини енгиллатиш мақсадида унинг сийдик йўлига катетр ўрнатишди.

– Катетрни ҳар ҳафтада ечиб, тозалаб тураман. Уни кўп қўйиш зарар эмасми, доктор? Онанинг тузалишига умид қилсам бўладики? – қабулимга кириб, бошидан ўтганларини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берган

бемор қиз менга яна бир бор нажот истаб қаради.

– Ўзига яраша зиёни ҳам, фойдаси ҳам бор. Онангизни малакали уролог кўриши керак. Унинг белидан пастки қисми фалаж бўлган, нервлари қисилиб, ўз вазифасини бажармаяпти. Аммо сиз тушкунликка тушманг, онангиз оёққа туриши учун сизнинг кўмагингиз сув ва ҳаводек зарур.

Қиз менинг маслаҳатларимни диққат билан тинглади. Уларни эшиқдан кузатиб қоламан. Ичкарига навбатдаги бемор киради.

Ха, ҳар кунни иш жараёним шундай ўтади. Кунига қанча беморни текширудан ўтказмайин, уларнинг ҳаётга ташна нигоҳи менда меҳр-муҳаббат ҳиссини пайдо қилади. Инсон ҳаётга бир маротаба келади, унинг учун яшаш, меҳнат қилиш, яратиш – бахт. Ахир, бу ёруғ оламни ким ҳам тарк этгиси келади, дейсиз? Шундай бўлгач, нажот билан қабулингга келган беморни биситингдаги энг самимий гаплар ила сийлаш биз шифокорлар учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

**Шоҳруҳ КОМИЛОВ,
Республика ноғиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ультратовуш шифокори.**

Фаргона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жанубий Корея Республикасининг “Vision Care Service” халқаро хайрия ташкилоти ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида корейлик офтальмолог-шифокорлар иштирокида хайрия акцияси бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дасту-

ри ижроси доирасида бу борадиги лойиҳалар кўлами янада кенгаймоқда. “ДЭУ текстиль Фаргона” масъулияти чекланган жамияти кўмаги билан мазкур тиббий кўриқда 300 нафар кекса ташхис-текширувдан ўтказилди. Тўрт кун мобайни-

да Корея Республикаси ҳамда юртимиз шифокорлари хамда яқин беморда катаракта жароҳлик амалиётини амалга оширди, кўз гавҳарини алмаштириш юзасидан тиббий муолажалар олиб борилди. Нуронийларга керакли дори-дармон-

лар, санитария-гигиена жиҳозлари, кўзойнақлар бепул тарқатилди. Шунингдек, ёши улуғ инсонлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, беморлар билан айрим кўз касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича тиббий суҳбат, мулоқотлар ўтказилиб, тавсия ва маслаҳатлар берилди.

**Мухаммаджон МАХМУДОВ,
Марғилон шахри.**



«Salomatlik-3»

loyihasi №11

Проект

«Здоровье-3»

Натижа ва таҳлил

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — БОШ ОМИЛ

Фахр билан айта оламизки, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг ҳар бир йўналишида ўзига хос ўзгаришлар бўлиб, бу албатта, инсон саломатлигига қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Тиббиёт илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино: «Тиббиётнинг олий мақсади – инсон саломатлигига эришишдир», деган сўзлари замирида ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ифодаси ётади. Аввало, соҳа ривожига Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бормоқда. Жумладан, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, унинг яхлит тизими яратилганини кўрамиз.

Жорий йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон банкининг «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида «Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг бирламчи бўғинида тиббий хизмат сифатини ошириш» республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Асосий мақсад бирламчи тизимнинг бирламчи бўғинида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилди. Таъкидлаш муҳимки, икки кун давом этган мазкур конференциянинг муҳим вазифалари бирламчи тиббий-санитария ёрдами ривожланиши тўғрисида таҳлилий натижаларни тақдим этиш, яъни ютуқ ва муаммолар, асосий йўналишларни аниқлаб, таклифларни бериш, аҳолининг кенг қамровли тиббий хизмат билан таъминла-

соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бўлимларaro ҳамкорликни йўлга қўйиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими билан ижтимоий таъминот ва жамиятнинг соғлигини сақлаш хизмати ўртасида боғлиқликни амалга ошириш йўллари муҳокама қилиш, маҳаллаларда саломатликни сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича фаолликни ошириш тажрибаларини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Тадбирда асосий, яъни «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашда бирламчи санитария ёрдамининг тутган ўрни», «Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш тизими инқирози ва ундан чиқиш йўллари», «Бирламчи тиббий санитария ёрдами ривожланишининг йўналишлари: халқаро тажриба», «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида тиббий хизмат сифатини оширишда энг



сиз касалликларнинг хавфли омиллари тарқалиши бўйича STEPS тадқиқоти натижалари таҳлили», «Репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлар интеграцияси – универсал хизматлар кўрсатиш томон қўйилган қадам, UNIFPA тажрибаси, Ўзбекистон» каби долзарб мавзуларда тажрибали мутахассислар томонидан маърузалар қилинди. Шунингдек, гуруҳларда эса «Клиник протоколлар асосида туман тиббиёт бирлашмаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамини стандартлаш», «Ўзбекистонда шахсларга интеграллашган парваришни татбиқ этиш учун имкониятлар», «Болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш», «Тиббиёт ходимларининг иш фаолиятини баҳолаш ва ҳақ тўлашнинг янги механизмларини татбиқ этиш», «Асосий юқумсиз касалликлар бўйича клиник протоколларнинг Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида татбиқ этилиши», «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва касалликлар профилактикасида жамиятнинг тутган ўрни», «Аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш» каби мавзуларда суҳбатлар ташкил қилиниб, фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланди.

Олег ШЕКЕРА,
«Соғлом жамият» халқаро уюшмаси президенти:
– Мен авваламбор, жаннатмакон юртингизга ташриф буюрга-

нимдан ҳамда нуфузли илмий-амалий конференцияда иштирок этганимдан фойда мамнунман. Айниқса, анжуман доирасида илгари сурилган долзарб мавзудаги чиқишлар, гуруҳларда олиб борилган муҳим масалаларнинг ўртага ташланиши тадбирнинг мақсад ва моҳияти нечоғлик муҳим эканлигини кўрсата олди.

ларингизни чуқур таҳлил қила олдим. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров юртингиз соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашда бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг тутган ўрни хусусида маъруза қилар экан, бу борада



нишидаги ўрнини муҳокама қилиш, соҳани такомиллаштиришда халқаро ва маҳаллий тажрибаларнинг замонавий усуллари, шунингдек, шахсга интеграллашган тиббий ёрдамини тақдим этиш, касалликларнинг олдини олиш ва

яхши амалиёт», «Далилларга асосланган тиббиёт негизида яратилган амалий қўлланмаларнинг тиббий хизмат сифатини оширишдаги аҳамияти», «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида врачлар ва ҳамшираларнинг тутган ўрни», «Юқум-



Шу нарсага амин бўлдимки, мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилган ишларни юксак баҳолаш мумкин. Менинг ҳам асосий фаолиятим ушбу йўналишларга қаратилганлиги боис, бу борада эришган ютуқ-

эришилган муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, мавзу доирасида қилинган тақдимот

(Давоми 6-бетда).



– Мамлакатингизда ҳамширалик ишига қаратилган эътибор юқори экан. Буни суҳбатлар давомида англаб етдим. Эътиборлиси шундаки, тиббиёт олий ўқув юртлари қошида «Олий маълумотли ҳамширалар» бўлимида тахсил олаётган талабалар бакалавр мақомига эга бўлиб, улар тиббиёт муассасаларида катта ҳамшира лавозимлари ҳамда таълим

муассасаларида педагогик вазифаларини бажариб келмоқдалар. Яна бир муҳим жиҳати, бакалавр босқичини тугатган ҳамшира магистратурада ўқиб, илмий ишлар олиб бориши ва бу йўналишда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши мени лол қолдирди, – дейди «Соғлом жамият» халқаро уюшмаси президенти Олег Шекера.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — БОШ ОМИЛ

бўйича слайдлар орқали замонавий қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман тиббиёт бирлашмалари ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар янгица қиёфа кашф этганлиги, энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан жиҳозланганлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлигини кўриб, аҳоли бирламчи тиббиёт тизимидан сифатли фойдаланаётганлигига амин бўлдим. Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамда бир қанча халқаро ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари томонидан бирламчи тизимдаги фаолиятлар қиёсий таҳлил қилиб чиқилди. Хусусан, мазкур тизимда фаолият юритаётган врачларнинг умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлаётганлиги, шунингдек, узлуксиз таълим жараёнлари ҳамда семинарларнинг давомийлиги, бунинг баробарида патронаж ҳамшираларнинг жараёндаги ўрни аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари кескин камайишига ҳамда халқнинг ўз саломатлигига бўлган эътибори ошганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган клиник протоколларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳам соҳадаги ишлар самарадорлигига муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. «Бирламчи тиббий санитария тизимида патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш» мавзусидаги гуруҳ ишида иштирок этганимда мамлакатингизда ҳамширалик ишига қаратилган эътибор юқори эканлигидан, шунингдек, бирламчи тизимда ҳамширалар ўрни алоҳида аҳамиятга эгаллигига ишонч ҳосил қилдим. Эътиборлиси шундаки, тиббиёт олий ўқув юртлари қошида «Олий маълумотли ҳамширалар» бўлимида тахсил олаёт-

ган талабалар бакалавр мақомига эга бўлиб, улар тиббиёт муассасаларида катта ҳамшира лавозимлари ҳамда таълим муассасаларида педагогик вазифаларини бажариб келмоқдалар. Яна бир муҳим жиҳати, бакалавр босқичини тугатган ҳамшира магистратурада ўқиб, илмий ишлар олиб бориши ва бу йўналишда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши мени лол қолдирди. Чунки, бу каби изланишлар бизнинг мамлакатимизда ҳали амалиётга татбиқ этилгани йўқ. Гуруҳларда ишлаш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бош ҳамширалари ҳамда вазирлик тизимидаги малака ошириш марказлари мутахассислари мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Шу аснода биз ўзаро тажриба алмашган ҳолда керакли таклифларни киритдик.

Ўтказилган ушбу конференция мақсадли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги фаолиятларга кенг урғу қаратилди. Асосан, бирламчи тизимдаги тиббиёт муассасаларининг зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, малакали кадрлар тайёрланиши, молиявий аҳволнинг барқарорлиги, шунингдек, юқумсиз касалликларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳа доирасида «Соғлом ҳаёт» лойиҳасининг киритилганлиги хусусидаги фикрлар мени бефарқ қолдирмади. Бу билан таъкидламоқчиманки, юртингизда биргина мазкур тизим эмас, балки тиббиётнинг барча йўналишларига давлатингиз раҳбари томонидан катта эътибор қаратилганлиги таҳсинга лойиқдир.



Назира НАРМУҲАММЕДОВА, Республика «Саломатлик-3» лойиҳаси координатори:

– «Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг бирламчи бўғинида тиббий хизмат сифатини ошириш»га бағишланган мазкур конференция доирасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон банкининг «Саломатлик 3» лойиҳаси доирасида амалга оширилган фаолиятларга кенг урғу берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикаимиз миқёсида 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти, 173 та оилавий поликлиника, туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар мамлакатимиз аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «Саломатлик-1, 2» лойиҳалари доирасида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, шунингдек, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман кўп тармоқли поликлиникалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан босқичма-босқич жиҳозланиб келинмоқда. Бунинг баробарида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик» лойиҳалари ҳамкорлигида 10 ойлик ўқув курслари, узлуксиз таълим жараёнлари, семинарларнинг ташкил этилганлиги бирламчи тизимда фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамшираларнинг билим ва тажриба кўламларини бойитиб келаётганлиги, бу албатта, аҳолига сифатли

тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги конференция давомида тилга олиб ўтилди. Аниқроқ қилиб айтганда, эришилган муваффақиятларимизга атрофлича тўхталган бўлсакда, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида ҳам фикрлар ўртага ташланди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари ҳамда бош ҳамширалари, лойиҳанинг вилоят координаторлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика ихтисослаштирилган ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш маркази, тиббиёт институтлари қошидаги «Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш» ўқув маркази мутахассислари ва бир қанча халқаро ташкилот вакилларининг иштироки алоҳида ўринга эга бўлди. Бунинг боиси шундаки, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги уч компонент асосида амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ҳамжиҳатликда узвий тарзда олиб борилмоқда ва бунинг натижасида бирламчи бўғинда хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шунингдек, гуруҳларда ўтказилган суҳбатлар ҳам бундан мустасно бўлмади, танлаб олинган ҳар бир мавзу кенг қамровлиги ҳамда долзарблиги билан соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлди. Бир сўз билан айтганда, бирламчи бўғиннинг яхлит тизими яратилди. Эндиликда эса асосий мақсад – аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишни янада такомиллаштириб, мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ечимини бартараф этишдан иборатдир.

Чори ҲАҚБЕРДИЕВ, Республика «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш бюросининг Қашқадарё вилояти бўйича директори:

– Ушбу конференция доирасида бирламчи бўғинга оид долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди. Шунингдек, лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бу борда эришилган муваффақиятлар эътироф этилди. Бунинг баробарида гуруҳларга бўлинган ҳолда лойиҳа доирасида кенг қамраб олинган ғоялар

юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, таклифлар ўртага ташланди. Шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-1-2-3» лойиҳалари ва бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги фаолиятлар тизимининг бирламчи бўғинида ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётганлиги қувонарлидир. Бугун юртимизнинг қайси бир жабҳасида бўлмайлик, чекка-чекка ҳудудларда ҳам янгица қиёфа кашф этган қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий тиббий асбоб-

Ўзига хос кўтаринки кайфиятда ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтказилган мазкур илмий-амалий анжуманда мамлакатимизнинг малакали мутахассислари долзарб мавзудаги чиқишлари иштирокчилар диққатини жалб этиб, келгусида амалга оширилиши керак бўлган истиқболли режалар ғояси ўртага ташланди.

(Давоми. Боши 5-бетда).

(Давоми 7-бетда).

“Аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва вилоят мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ташкил этилиб, айна кунда тажриба сифатида олинган Қарши шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника ҳамда Қарши туманидаги “Каманди”, “Қарши” ва “Ўзбекистон мустақиллиги” ҚВПларида саломатликни мустақамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Мазкур тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 25 мартдаги 126-сонли буйруғига илова қилинган “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари учун артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протоколлар” тарқатилиб, амалиётда қўлланилмоқда.



СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — БОШ ОМИЛ



уқуналар, малакали кадрлар, шунингдек, аҳоли учун намунали шароит яратилганлиги халқимизнинг ўз саломатлиги ҳамда тиббиётга бўлган ишончи ортаётганлигини кўрсатади. Маълумки, “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида Инвестиция дастури бўйича қад ростлаган ва қайта реконструкция қилинган туман тиббиёт бошқармалари, туман кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларнинг лойиҳа томонидан энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан жиҳозланиши, бунинг баробарида вазирлик ҳамда лойиҳа ҳамкорлигидаги ўқув курслари, семинарлар соҳа мутахассислари билим ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Конференцияда кўтарилган масалаларнинг таҳлилий натижаларига қараганда, бирламчи бўғинда касаллик кўрсаткичлари кескин камайиб бораётганлиги, профилактика ишлари яхши йўлга қўйилганлиги тилга олиб ўтилди. Бунда, албатта, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамшираларининг хонадонларга чуқур кириб боришлари халқимизнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.



Кейинги йилларда юқумсиз касалликлар инсон ҳаётига хавф солаётганлиги барчамизни ташвишлантирмоқда. Мазкур касалликларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳа доирасида “Соғлом ҳаёт” дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётганлиги инсонларда ушбу хасталикларни эрта аниқлаш имкониятини беради. Тажриба сифатида олинган Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида дастур доирасида фаолиятлар бошлаб юборилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва юқумсиз касалликлар профилактикаси ҳамда бу касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга қарши курашиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда вилоят ҳокимлигининг “Аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини

олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва вилоят мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ташкил этилиб, айна кунда тажриба сифатида олинган Қарши шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника ҳамда Қарши туманидаги “Каманди”, “Қарши” ва “Ўзбекистон мустақиллиги” ҚВПларида саломатликни мустақамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Мазкур тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 25 мартдаги 126-сонли буйруғига илова қилинган “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари учун артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протоколлар” тарқатилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Режага мувофиқ вилоят мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи аъзолари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарларда юқумсиз касалликлар хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш юзасидан ўтказилган текширув натижалари билан танишдилар ва республика миқёсидаги мутасадди вазирлик ҳамда идора мутахассислари билан хавф омилларига қарши кураш тадбирларининг самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама этган эдилар.

Бугунга келиб, дастурнинг мазмун-моҳияти фаолиятларда ўз ифодасини топмоқда. Кенг аудиторияда ўтказилган ушбу илмий-амалий конференцияда ҳам юқумсиз касалликлар профилактикаси ҳамда бу касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига қарши кураш бўйича гуруҳларда маърузалар қилинди. Ўтказилган конференциянинг аҳамияти катта. Чунки, анжуманда эришган ютуқларимиз тўғрисида таҳлилий маълумотлардан бохабар бўлиш билан бирга, келгусидаги режаларимизни ҳам белгилаб олдик.



Роза МУХАМЕДИЯРОВА, “Саломатлик-3” лойиҳаси координатори:

– Республикада ислохотлар жараёнида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги муҳим. Шундай экан, эзгу мақсадларга қаратилган “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар аста-секинлик билан ўзининг самарасини бермоқда. Аввало, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг Инвестиция дастури асосида куриш, қайта таъмирдан чиқариш биринчи даражали вазифа қилиб белгиланган бўлса, иккинчи вазифамиз лойиҳа томонидан тақдим этилиши керак бўлган тиббий асбоб-уқуналар ҳамда энг сўнгги русумдаги аппаратураларни етказиш ва бирламчи бўғиндаги кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган эди. Қарийб уч йилдирки, дастур асосидаги ишлар қизғин давом этиб келмоқда. Ўзига яраша қийинчиликларга дуч келдик. Рақамли рентген аппаратларини келтириш ва уларни (дигитайзер жамланмаси) меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатиш, икки-уч фазали ультратовуш диагностикаси аппаратлари ва бир қанча тиббий асбоб-уқуналарни фаолиятда қўллаш учун уларни махсус хоналарда жойлаштириш муҳимлигига ҳам катта эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу аппаратларда ишлаш учун соҳа йўналишидаги мутахас-

сислар ўқитилди. Ҳозирги кунда республикада тиббиёт муассасаларида рақамли рентген аппаратларидан стационар ва амбулатор шароитида фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамни стандартлаш мақсадида 22 та протокол ишлаб чиқилди. Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, анжуманнинг асосий мақсади аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат экан, фаолиятда қўлланилаётган тиббий асбоб-уқуналар ҳамда аппаратуралардан оқилона фойдалансагина кўзлаган мақсадларга эришишимиз мумкин. Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси ва бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида олиб борилган ишларга маҳаллий мутахассисларимиз билан бирга хорижий давлатлардан келган соҳа вакиллари ижобий баҳо бердилар. Шу билан бирга муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан зарурий таклифлар ўртага ташланди. Кўп йиллар давомида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда узвий тарзда иш олиб бораётган “Саломатлик-3” лойиҳаси ва вазирликнинг ҳамжиҳатлигидаги ишлари ўз натижасини беришига ишонаман.



Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган тадбирнинг асл моҳияти бирламчи тиббий бўғин фаолиятини тубдан яхшилаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, ривожлантириш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юқори босқичга кўтаришга қаратилганлигидадир. Табиийки, халқимиз яратилаётган бу каби имкониятларни теран англаган ҳолда, мавжуд шарт-шароитлардан самарали фойдаланмоқда. Ўз навбатида тиббиёт ходимлари, хусусан, умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалар ҳам конференцияда ўзлаштирган билим ва кўникмаларини, хорижлик эксперт-мутахассислар билан олиб борган долзарб мавзудаги маърузаларини амалда қўллаб, кўзлаган натижаларга эришадилар. Албатта, конференциядан келиб чиққан хулоса ҳам шу аслида, яъни амалга оширилиши кўзда тутилган ишларни самарали давом эттириб, кадрлар малакасини ошириш, замонавий технологиялар билан ишлаш бўйича тажриба қўламларини бойиштиришга асосий эътибор қаратишдир.

Тадбир якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан анжуман резолюцияси қабул қилинди.



НАЧАЛАСЬ АВТОМАТИЗАЦИЯ ВВОДА ДАННЫХ БОЛЬНЫХ

Центральным бюро реализации проектов при Министерстве Здравоохранения Республики Узбекистан совместно с Узмединфо в рамках реализации проекта «Здоровье-3», создана система автоматизации ввода и обработки данных со статистической карты пролеченного больного, позволяющая автоматизировать учет и расчет стоимости каждого пролеченного случая (Форма - 066).



Система разработана и реализована программистами Узмединфо с помощью современных технологий и является программным интернет-решением базирующимся на портале Минздрава. В рамках реализации проекта были отобраны три пилотные больницы расположенные в Бешарикском, Олтиарикском и Куштепинском районах Ферганской области, в которых и стартовало пилотирование данной системы.

Поскольку разработанное программное обеспечение является интернет-решением, то

это обеспечило высокую безопасность, необходимую скорость и значительно облегчало ввод и последующую обработку данных. В первую очередь это связано с самой технологией, при которой все данные располагаются в едином центре данных в Ташкенте, а инструментом ввода данных является простая форма загружаемая прямо в интернет-браузере. Система является небольшим простым решением, которое при необходимости с легкостью может быть внедрено и в другие медицинские учреждения по всей республике. Простая система позволяет легко,

буквально за 1 час освоить ввод данных без особых знаний и подготовки. Для ввода данных необходимы минимальные знания компьютера и умение пользоваться интернетом.

Программа предназначена для автоматизированной обработки карты вышедшего из стационара и получения необходимой статистической информации для анализа работы стационара, а также для составления форм официальной отчетности. Она позволяет произвести ввод данных с формализованных карт вышедшего из стационара пациента и сформировать базу данных медстатистики, на основе имеющихся унифицированных данных сформировать различные формы статистической отчетности по стационару в целом, в выходные документы, являющиеся основой для составления официальных форм статистической отчетности. Позволяет также сократить время ввода данных с карты вышедшего из стационара, снизить количество ошибок возникающих при вводе, организовать ввод данных с карт на нескольких персональных компьютерах (например, когда обработка карт ведется в разных корпусах) и формирование единой базы данных медстатистики на центральном компьютере.

Программа функционирует на основе ряда классификаторов, что позволяет получать всю необходимую статистическую информацию: о заболевании, об уточненных заболеваниях по МКБ-10 отражающих этиологию, степень тяжести, наличие осложнений, особенности течения, длительность лечения, операции, последовательности осложнений.

Существующая система учета и расчета стоимости пролеченного случая каждого больного построена на заполнении первичных данных о пациенте, его первичном диагнозе при поступлении в лечебно-профилактическое учреждение, фактическом и сопутствующем диагнозе по системе международной классификации болезней (МКБ-10), информации о госпитализации, наличии и результатах проверок на РВ и ВИЧ, информации о проведенных операциях, регистрации смертей, в том числе причин смертельных исходов, результатах и стоимости лечения и занесение этих данных в статистическую карту каждого пролеченного больного (форма 066). Важно понимать, что ввод данных со статистической карты пролеченного больного открывает возможность для проведения обширного анализа различного рода информации по пролеченным больным. Юридически самостоятельные медицинские учреждения для того, чтобы повысить качество и эффективность оказания медицинских услуг, осуществляют стратегическое планирование и бизнес-планирование. Любому планированию предшествует большая кропотливая работа по анализу финансово-хозяйственной деятельности, в том числе и затрат на каждого пролеченного больного. Руководители медицинских учреждений и их финансовые менеджеры, только на основе использования различных методов сбора и обработки данных о работе медицинского учреждения, могут определить оптимальный вариант его дальнейшего развития. Сбор этих данных является важ-

ным механизмом для проведения анализа производственной деятельности медучреждения, количества и качества предоставляемых медицинских услуг. И сегодня, все эти важные данные находятся на бумажных носителях, так называемых статистических картах пролеченного больного, что значительно усложняет процесс их обработки и дальнейшего анализа. Поэтому, создание электронной системы, которая позволит обрабатывать и анализировать эти важные данные является одним из ключевых механизмов автоматизации системы подушевого финансирования здравоохранения в республике.

Начатое пилотирование данной системы позволит в короткие сроки отладить механизм сбора, обработки и последующего анализа данных о пролеченных случаях и затрачиваемых денежных средств на лечение одного больного. В свою очередь, это будет способствовать принятию более точных решений при формировании бюджета выделяемого на финансирование медицинских учреждений для лечения больных. Также, в последующем, это позволит сократить расход средств медицинских учреждений на приобретение бумажных бланков, ускорит процесс обмена информацией, что в конечном итоге, скажется на качестве медицинского обслуживания всех медицинских учреждений.

Рустам РАХИМОВ,
специалист по
Информационной
системе управления
здравоохранением.

Семинар

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида "Тиббиёт муассасаларидаги чиқиндиларни зарарсизлантириш" мавзусига бағишланган махсус семинар бўлиб ўтди. Семинарни "Саломатлик-3" лойиҳаси халқаро консультанти Ян Герд Кюхлинг олиб борди. Мазкур семинардан кўзланган асосий мақсад, тиббиёт муассасаларидаги чиқиндиларни зарарсизлантириш, беморларни ҳар қандай касалликлар ҳамда тиббиёт ходимлари саломатлигини ҳимоя қилишдан иборатдир.



Бу каби семинарларни 50 дан ошқ давлатларда олиб бордим. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ушбу мавзу доирасидаги муҳим жиҳатларни санитария йўналишида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларига тақдим этдим. Аввало, тиббий чиқиндилар-

ни йиғиб олиш, уларни ташиш ҳамда зарарсизлантиришнинг замонавий усуллари, шунингдек, халқаро андозаларга мос тарзда иш юритиш масалаларига эътибор қаратдим. Таъкидлашим муҳимки, дарс режаларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва

Республика санитария-эпидемиология маркази мутахассислари ҳамкорлигида қонунларга асосланган янги СанПин қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқдик. Семинарда иштирок этган соҳа мутахассислари маҳаллий тренерлар этиб тайёрланди. Мазкур долзарб мавзу республика миқёсида кенг татбиқ этилиб, шифо масканларида чиқиндиларни зарарсизлантириш ишларига катта эътибор қаратилди, — дейди "Саломатлик-3" лойиҳаси халқаро консультанти Ян Герд Кюхлинг.

Ушбу ўқув семинарининг аҳамиятли томони шундаки, аввало, аҳолини турли юқумли касалликлардан муҳофаза этиш, қолаверса, тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ходимлар саломатлигини чиқиндиларни зарарсизлантириш йўли билан ҳимоя қилиш зарур. Шундай экан, тиббиёт муассасаларидаги барча бўлимларда ҳар хил турдаги тиббий чиқиндилар мавжуд бўлади. Буларни йиғиб олиш, ташиш ва зарарсизлантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш тавсия этилмоқда. Семинар давомида тиббий чиқиндиларни зарарсизлантириш бўйича халқаро консультант Ян Герд Кюхлинг ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда машғулларга жиддий ёндошди, — дей-



ди Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассиси Назира Қаршиева.

Хулоса шуки, бу каби семинарларнинг ташкил этилиши

инсон саломатлигини асраш, касалликлар профилактикасини кучайтириш ҳамда аҳолининг ўз соғлиғига бўлган эътиборини ошириш учун хизмат қилади.

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор В. ҲАКИМОВ.
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс). E-mail:office@jrib.uz
Лойиҳа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар

Фан уфқлари

ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ НУФУЗЛИ МУКОФОТ

Олим бўлсанг, олам сеники. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Қайсидир соҳада узоқ йиллар изланиш олиб борган ва янгилик яратиш, эътирофга сазовор бўлган олимга олам мўъжизакор кўринади. Тилсимли дунёга ўз ақлу заковати билан қаровчи олимга илмий даража берилади ёки унга нуфузли мукофот тақдим этилади. Дунё миқёсидаги Нобель мукофоти ҳайратомуз кашфиёт яратиш, кишиларни лол қолдирган тадқиқотчиларга берилади. Бу нуфузли мукофотни қўлга киритиш ҳар бир олимдан ўта синчковликни талаб қилиб, ҳаётда учраётган муаммоларга оқилона ечим топишга ундайди.

Сўнги хушxabар

2015 йил октябрь ойининг дастлабки кунларида эълон қилинган сўнги хушxabарда Нобель мукофотининг янги соҳиблари маълум қилинди. Тиббиёт ва физиология соҳасида ирландиялик Вильям Кэмбелль, япониялик Сатоси Омура ва хитойлик Юю Тулар ушбу ноёб мукофотга мушарраф бўлдилар. Швеция қироллик академияси Каролина тиббиёт институти биносида фаолият олиб бораётган Нобель мукофоти кўмитаси қарори билан пул миқдорининг ярми А. Кэмбелль ва С. Омураларга, қолган иккинчи ярми эса Ю. Туга берилдиган бўлди.

Инсон саломатлигини сақлаш, унинг умрини узайтириш, аҳоли орасида учраётган касалликларни бартараф этиш тиббиёт ва физиология соҳасида изланаётган олимларни мудом қизиқтириб келади. Нобель мукофотининг бу йўналишдаги янги соҳиблари тақдим этган янгилик ана шундай муаммолардан бир нечасига ечим бўлиши эътироф этилди. Кэмбелль ва Омуралар инсон саломатлигини асраш, аниқроғи паразит чувалчангни йўқотувчи янги дори-дармонлар хилини ихтиро қилгани, Юю Ту эса безгак касаллигини янгида даволаш усулини яратгани учун ана шу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди.

2015 йилги мукофот соҳибларини аниқлаш давомида жами 327 нафар тиббиёт ва физиология соҳасида изланиш олиб бораётган олимлар фаолияти ўрганиб чиқилди. Шундан 57 нафарининг номзоди биринчи марта тақлиф этилган.

Мукофот тарихи ҳақида биласизми?

Дарҳақиқат, ҳар йили октябрь ойида дунё илм-фан жамоатчилиги диққат-эътибори Европанинг Стокгольм ва Осло шаҳарларига қаратилади. Бу ерда Нобель мукофотининг янги соҳиблари эълон қилинади. Альфред Нобель васиятида қайд қилинган физика, кимё, тиббиёт ва физиология, тинчлик ва адабиёт соҳаларида яратилаётган кашфиёт, асар ва ихтиролар ҳақидаги хушxabар бутун дунёга тарқатилади. 10 декабрь куни эса мукофот эгаларини тақдирлаш маросими ўтказилиб, телевиденида кўрсатув намойиш этилади.

Хўш, Альфред Нобель аслида ким, уни бу даражада хайр-саховат кўрсатишга ундаган куч-қудрат, ғайрат-шижоат нимада? Бу инсонга битмас-туганмас даражадаги бойлик қандай ато қилинган эканки, узоқ йиллардан бери кўплаб олимларга берилган катта миқдордаги пул маблағи камаймайди? Саволларга жавобни буюк кашфиётчи олимнинг васиятномасидан топиш мумкин.

Швециялик кашфиётчи олим, бадавлат хонадон фарзанди Альфред Нобель 1896 йили барча бойликлари ҳақидаги васиятно-мани ёзиб, имзо қўяди. У Европанинг турли давлатларида ўзига тегишли бўлган 96 та завод ва фабрикани сотиб, қимматбаҳо қоғозга айлантирар экан, ундан келувчи фойда йиллар мобайнида катта маблағга айланиб, захираси асло камаймайди. Мана, 115 йилдирки, ана шу фойданинг маълум қисми асосий жамғармани бойитишга, қолгани эса йил якуни бўйича мукофотга сазовор бўлган олимларга бериб келинмоқда.

Орзуга айб йўқ. Олам сир-синоатларини ўрганаётган, фанга янгилик олиб кирмоқчи бўлаётган ва ўз номзодини Нобель мукофоти кўмитасига тақдим этган олимлар рўйхати узун бўлиб, камида 250-300 нафарга етади. Номзодлар тадқиқоти синчковлик билан кўриб чиқилади. Бунинг учун ҳозирда ҳаёт бўлган Нобель мукофоти соҳибларидан ўз йўналишлари бўйича ва бир қатор Европа давлатлари илмий академиялари олимлари ҳамда университетлари профессорлари томонидан мукофотга янги номзодлар тўғрисидаги тақлифлар қабул қилинади. Жараён давомида Нобель мукофоти кўмиталарида барча соҳалар бўйича махсус тайинланган мутахассислар томонидан йил давомида эълон қилинган илмий кашфиёт, ихтиро, рисола ва мақолалар салоҳияти кузатиб борилади. Номзодларни танлаш ва узил-кесил қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган масалада хатоликка йўл қўйилмаслиги керак. Фақат энг катта аҳамиятга эга бўлган ихтиролар тан олинади.

Тиббиёт даргалари

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи давомида соғ-саломат ва узоқ умр кўриш масаласи фозил кишиларни қизиқтириб келади. Қадимги Юнонистонда яшаб ўтган буюк табиб Гиппократ ва машхур ватандошимиз Абу Али

ибн Сино киши ҳаётига чанг солувчи касалликларни даволаш, беморга енгиллик бахш этиш йўлида кураш олиб боришган. Ривоят қилишларича, буюк табиб Абу Али ибн Сино барча касалликларни даволаш мумкин, аммо биргина дард – ажални енгиб бўлмаслигини таъкидлаган экан. Бу Аллоҳ-таоло томонидан ҳар бир инсонга ўлчаб берилувчи умрга ишорадир.

Қайд қилиб ўтганимиздек, дунё миқёсидаги энг нуфузли мукофотнинг тиббиёт ёки физиология йўналишида оламшумул кашфиёт яратган олимларга берилиши тарихий аҳамиятга эгадир. Ҳозирга қадар бу йўналишда улкан натижани қўлга киритган олимлар рўйхатидан анчагина тадқиқотчилар ўрин олган. 202 нафар олим тиббиёт ва физиология соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлиб, уларнинг ўртача ёши 41 ни ташкил этади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб бактерияли микроорганизмлар турли касалликларнинг уруғи ёки уларнинг ташувчиси эканлиги тўғрисида қарашлар пайдо бўлди. Кўплаб касалликлар тўғрисида ҳали аниқ маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли, уларнинг тарқатувчиси бўлган бактерия ва микробларнинг нима эканлигини ҳеч ким тасаввур қила олмас эди. Илмий тадқиқот олиб бораётган олимларнинг фикрлари бир-бирига ўхшашроқ бўлса-да, қисман фарқлар ҳам. Баъзи тадқиқотларда қайсидир касалликнинг сабабчиси бир нечта микроб эканлиги аниқланган бўлса, бошқасида бир турдаги микроб бир нечта хасталик ташувчиси бўлиши мумкинлиги тахмин қилинар эди.

1870 йилдагина бу борада аниқ тўхтама қилинди. Немис микробиолог Роберт Кох ўз илмий изланишларида бунинг исботлаб беришга муваффақ бўлди. Унинг таълимоти бўйича барча бактерия ва микроблар турли кўринишдаги касалликларни кўзга ташувчиси ҳисобланади. У ўз илмий фаолияти давомида кўплаб микробларнинг умумий кўриниши, тузилиши, кўпайиши ва бошқа жиҳатларини ўрганди. Р. Кох микроорганизмлар билан касаллик ўртақлиги боғлиқлиги учта тамойил асосида аниқлаш мумкинлигини исботлаб берди.

Роберт Кох ўз тамойилларига асосланган ҳолда 1882 йили 24 май куни сил касаллигини кўзга-тувчи микроб (сил таёқчаси) тўғрисидаги илмий маърузасини баён этди. Тиббиётда бу микробнинг номи ҳозирга қадар "Кох таёқчаси" деб аталмоқда. Кечроқ бўлса ҳам, яъни 1905 йили Роберт Кохга тиббиёт ва физиология соҳасидаги буюк хизматлари учун Нобель мукофоти берилди.

Шуниси қизиқки, инсон организми жуда мураккаб тузилишга эга ва ўзини ҳимоя қилишда бош-

қа жонзотларга нисбатан курашувчандир. Табиатда кўзга кўринмайдиган бактерия ва микробларнинг юзлаб турлари мавжуд бўлиб, инсон саломатлигига хавф солади. Табиийки, ўзига нисбатан ташқаридан бўлган хавфни ҳар бир киши сезги органлари орқали сезиб, курашишга киришади. Ҳар қандай касаллик билан курашишда инсоннинг иммуни тизими ишга тушиши барчамизга маълум. Баъзи бактериялар инсоннинг қайсидир касаллик билан курашиш қобилиятини оширса, баъзилари бемор организмни толиқтириб, борган сари уни кучсизлантириб қўяди. Бу ҳолат тиббиётда актив иммунитет белгиси сифатида таърифланади. Бошқа ҳолларда касалликни енгиш учун тирик танада "антитанача" (микроорганизм) ҳосил бўлади. Аммо улар касалликни енгиш учун ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Шу сабабли микроорганизмлар самарадорлиги сезиларли бўлмаслиги мумкин. Бу пайтда касалликка қарши курашаётган организмга бошқа индивидда тайёрлаб олинган микроорганизмлар қон зардоби орқали берилади. Бу пассив иммунитет белгиси ҳисобланади.

Фаол иммунитетни ҳосил қилиш бўйича биринчи таълимотнинг яратилиши таникли бактериолог олим Эмиль Адольф Беринг номи билан боғлиқ. У дифтерия, яъни бугма касаллигига қарши эмлаш йўли билан даволаш усулини ишлаб чиққан ва бутун инсоният олдида катта хизмат қилган. Ўша даврда кишилар ҳаётига таҳдид солиб турган бу касалликнинг олдини олиш ва даволаш кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган вазибалардан бири бўлиб тургани учун ҳам олимнинг хизмати мамнуният билан эътироф этилди.

Дифтерия ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан, оғиз, бурун ва томоқ йўлларида пайдо бўлади. Касалликнинг тўқима бактериялари биринчи бўлиб, 1883 йили А. Клебс томонидан аниқланган. Дифтерия тўқималарининг ўлчамлари бўйича 4-6, диаметри 0,6-0,8 микронгача бўлиб, улар тўқима бактерияларнинг бўлиниши билан кўпаяди. Бу касаллик минглаб кишиларнинг умрига завола бўлар, айниқса, ёш болаларнинг эрта вафот этиши ота-оналарни қаттиқ ташвишга солар эди.

1870 йили Э. Беринг ўзининг япониялик шогирди Шибасабу-ро Китасато билан биргаликда илк мартаба тирик танада ҳосил

Ҳа, эзгу ниятда бошланган иш қачондир эътироф этилади. Фан-техника шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда яратилаётган кашфиётлардан кимдир хабардор бўлиши, кимдир бу ҳақда эшитмаслиги мумкин. Лекин Альфред Нобель мукофотига лойиқ кўрилган кашфиёт, ихтиролар бутун дунё аҳлига маълум қилиниши билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Абдумажид Тўраев.



қилинган бактерияли микроорганизмлар иккинчи бир тирик тана учун касалликларга қарши курашувчи иммунитетни кучайтириши мумкинлигини аниқлади ва бундай "ғаройиб" митти жонворларни қон зардобида сақлашни йўлга қўйди. Худди шундай қон зардоби орадан бир йил ўтиб, Берлиндаги касалхоналардан бирида дифтерия касаллигига йўлиққан боланинг танасида синаб кўрилди. Вакцина қон зардоби билан даволаш биринчи марта дифтерия касаллигига қарши амалга оширилди ва тез кунда самарали натижа олинди. Кўп ўтмай бу даволаш усули бутун дунёда оммалашиб кетди ва дифтериядан ўлим ҳолати юз бериши 35 фоиздан 5 фоизга тушиб қолди. Шифобахш зардоб одатда ҳайвонлардан (масалан, отдан) олинади ва маълум тиббий тозалашлардан сўнг, вакцина инсон саломатлигини сақлашга хизмат қилмоқда.

Э. Беринг томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар кейинчалик шу соҳа билан боғлиқ бўлган бошқа янги ихтиро ва кашфиётларнинг рўёбга чиқиши учун замин яратди. Масалан, австриялик иммунолог олим Карл Ландштейнер ва унинг шогирди Андриано Штурлининг илмий изланишлари таҳсинга сазовордир. Улар томонидан ўрганилган илмий ғоя – қон гуруҳларини АВО тизими бўйича тавсифлаш ва бунинг мижоз саломатлигида муҳим роль ўйнаши ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса, қон гуруҳларини аниқлаш усуллари суд-экспертиза жараёнида кенг қўлланилаётгани, тез тиббий ёрдам соҳасида донор қонининг муҳтож кишига қуйилаётгани фикримиз тасдиғидир. Карл Ландштейнернинг буюк кашфиёти 1930 йилга келиб ўзининг муносиб баҳосини олди. Унга Нобель мукофоти берилди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ
САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Фаргона вилоятининг Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси қайта реконструкция қилинди. Ўтган йили бу ерда кўп тармоқли марказий поликлиника қуриб битказилган бўлса, жорий йилда марказий шифохона бўлимлари, туғруқ мажмуаси ва шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими янгидан бунёд этилди.

Туғиш ёшидаги барча аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Барча зарур профилактик ва даволаш тадбирлари намунали йўлга қўйилгани аҳоли ўртасида, айниқса, оналар ва болаларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2015 йил 11 ноябрдаги 448-сонли буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан
тиббий фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи
субъектларнинг лицензия талаб ва шартларига риоя этишларини
назорат қилиш бўйича 2016 йилнинг**

I-II чорақларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали

№	Вилоят	Туман ёки шаҳар	Фирманинг номи	СТИР	Текшириш ўтказилиш оий
1. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ					
1	Андижон вилояти	Шахрихон тумани	«EURO DENT SERVICE» МЧЖ	302247781	Январь
2	Андижон вилояти	Хўжаобод тумани	«NARGIZ MEDSERVIS» МЧЖ	301891410	Февраль
3	Андижон вилояти	Шахрихон тумани	«OMEGA DENT SERVIS» МЧЖ	302335689	Март
4	Андижон вилояти	Пахтаобод тумани	«XADICHA BEGIM SERVIS» хусусий корхонаси	301502900	Апрель
5	Андижон вилояти	Шахрихон тумани	«O'TKIR DENTA MEND» МЧЖ	302182864	Май
6	Андижон вилояти	Хўжаобод тумани	«DAVR MED SERVIS ORIGINAL» хусусий корхонаси	302346270	Июнь
2. БУХОРО ВИЛОЯТИ					
1	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«AVITSENNA UNIVERSAL SHIFO» МЧЖ	302064053	Январь
2	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«DOKTOR MIRAN» МЧЖ	302121060	Январь
3	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«MIRAZIZ STOMA DENTA» МЧЖ	301329119	Февраль
4	Бухоро вилояти	Ғиждувон шаҳри	«ABU ALI IBN SINO» номидаги хусусий даволаш муассасаси	201073821	Февраль
5	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«KARDIO SERVIS-AYFATSAR» хусусий корхонаси	300998783	Март
6	Бухоро вилояти	Ғиждувон шаҳри	«Yusuf Zulayxo Orzusi» хусусий корхонаси	301339374	Март
7	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«STANDART DIAGNOSTIKA» МЧЖ	300980260	Апрель
8	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«MASTER DENT XODJAEV BAXSHULLO» МЧЖ	301697524	Апрель
9	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«MIRZOXID-MIRSAID MED» хусусий корхонаси	301656131	Май
10	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	«Дезинфекция» хусусий корхонаси	202425974	Май
11	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	«FAYZMEDSERVIS» МЧЖ	206771306	Июнь
12	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	«ZIYONUR-DARMON-KOGON» хусусий корхонаси	301487571	Июнь
3. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ					
1	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	«СИРДАРЁ-ВОЛГА» МЧЖ	206921244	Январь
2	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	«ОЙБЕК» курилиш ашёлари савдо уйи	203346961	Февраль
3	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	«ЯССАВИЙ-ТУРКИСТОН» МЧЖ	200347607	Март
4	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	«ЖАСУР-ЖР» МЧЖ	202538723	Апрель
5	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	«Карима» хусусий тиббиёт фирмаси	203472047	Май
6	Жиззах вилояти	Фаллаорол тумани	«O'TKIRBEK-ASADBEK SHIFO» хусусий кўп тармоқли фирмаси	302705529	Июнь
4. НАВОИЙ ВИЛОЯТИ					
1	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	«NAVOIY STOMA DARMON» хусусий корхонаси	300276606	Январь
2	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	«SITORMED NAVOIY» хусусий корхонаси	301681394	Февраль
3	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳри	«VITA-ZARAFSHAN» хусусий корхонаси	302420852	Март
4	Навоий вилояти	Қизилтепа тумани	«HAYOTJON NUR SHIFO» хусусий корхонаси	301360557	Апрель
5	Навоий вилояти	Учкудук шаҳри	«UCHQUDUQ-SHIRINGUL» хусусий корхонаси	302043790	Май
6	Навоий вилояти	Кармана тумани	«BAMOTO-AVJAMA» МЧЖ	301980671	Июнь

5. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ					
1	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	«LINZA NUR» хусусий корхонаси	207019193	Январь
2	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	«RED DELPHINE» хусусий корхонаси	300296415	Февраль
3	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	«IZOMED SERVIS» МЧЖ	207091843	Март
4	Наманган вилояти	Норин тумани	«Хаққулбод Кардиотерапия» хусусий корхонаси	300490784	Апрель
5	Наманган вилояти	Янгиқўрғон тумани	«ZARMED SHIFO» хусусий корхонаси	301459574	Апрель
6	Наманган вилояти	Уйчи тумани	«O'NXAYOT» саноат-савдо хусусий корхонаси	201782651	Май
7	Наманган вилояти	Тўрақўрғон тумани	«Саломатлик-Р» МЧЖга қарашли «Шаҳанд сихатгоҳи» шўба корхонаси	200096801	Май
8	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	«AHADBEK-ASADBEK TORG SERVIS» хусусий корхонаси	205924731	Июнь
9	Наманган вилояти	Чуст тумани	«ВАРЗИК СТОМА СЕРВИС» хусусий корхонаси	207018733	Июнь
6. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ					
1	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	«Иzzат ва К» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси	202032301	Январь
2	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	«SHIFOKOR-LDA» масъулияти чекланган жамияти	203422661	Февраль
3	Самарқанд вилояти	Жомбой тумани	«DENTO SHUHRAT ISHA» хусусий корхонаси	205692469	Март
4	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	«TO'RAQULOV MEDIKAL SERVIS» хусусий корхонаси	206619112	Апрель
5	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	«DAY-YUY-BIN» кўптармоқли фирмаси	202078133	Май
6	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	«HAYOTI SHIFOKOR» хусусий корхонаси	206184220	Июнь
7. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ					
1	Сирдарё вилояти	Бахт шаҳри	«Саидбек-Рўзибек» МЧЖ	302137641	Январь
2	Сирдарё вилояти	Янгиер шаҳри	«SEVINCH SHODIYONA» хусусий фирмаси	207017584	Февраль
3	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	«Анора Стомасервис» хусусий корхонаси	301333534	Март
4	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	«Stoma-Com» МЧЖ	201501114	Апрель
5	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	«МАВЖУД САДАФ СТОМА СЕРВИС» хусусий корхонаси	301414076	Май
6	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳри	«ZUXI-MAKS» кўптармоқли корхонаси	301443824	Июнь
8. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ					
1	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	«SHIFO-SAL-OMON» хусусий корхонаси	301818775	Январь
2	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	«Жамшид-Хуршид-Ферузбек» хусусий корхонаси	206727857	Февраль
3	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	«ШАРҚ ТАБОБАТИ ШИФОХОНАСИ» хусусий корхонаси	201506669	Март
4	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	«Зилло» санаторий типдаги даволаш-ташхис маркази	203646501	Апрель
5	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	«СУРХОН ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ» хусусий корхонаси	300018799	Май
6	Сурхондарё вилояти	Термиз тумани	«GULNIGOR SHIFOMED» хусусий корхонаси	302573948	Июнь
9. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ					
1	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	«SUPER BIZNES RIVOJ» МЧЖ	301108582	Январь
2	Тошкент вилояти	Қибрай тумани	«MELANJ» МЧЖ	203521824	Январь
3	Тошкент вилояти	Чирчиқ шаҳри	«ESTETIK STOMATOLOGIYA» МЧЖ	302699133	Февраль
4	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	«SAID SMILE DENTAL» МЧЖ	207167192	Февраль
5	Тошкент вилояти	Куйи Чирчиқ тумани	«MIRZIYO DENTA SERVIS» хусусий корхонаси	302408690	Март
6	Тошкент вилояти	Ўрта Чирчиқ тумани	«MAMURJON ULTRA MED» хусусий корхонаси	302047556	Март
7	Тошкент вилояти	Оҳангарон тумани	«A'LO DENTA LYUKS» хусусий корхонаси	300082247	Март

(Давоми 11-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия талаб ва шартларига риоя этишларини назорат қилиш бўйича 2016 йилнинг I-II чорақларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали

9. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ					
8	Тошкент вилояти	Олмалиқ шаҳри	«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ ходимлар касабга уюшмаси	200604358	Апрель
9	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	«ENDOKRIN-SHIFO» МЧЖ	207143849	Май
10	Тошкент вилояти	Чиноз тумани	«CHINOZ RAHIM STOMA» хусусий корхонаси	302290184	Май
11	Тошкент вилояти	Бўка тумани	«BO'KA-DENTA» хусусий корхонаси	302672476	Май
12	Тошкент вилояти	Чирчиқ шаҳри	«AXIS ATLANT» МЧЖ	204267957	Июнь
13	Тошкент вилояти	Бскобод шаҳри	«АрхиМед» номли шахсий корхонаси	203050857	Июнь
14	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	«SHUHRAT-PARIZOD» х/шиф.	201087606	Июнь
10. ТОШКЕНТ ШАҲРИ					
1	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани	«NODIRA-MIRAZIM TIBBIYOT» МЧЖ	207127922	Январь
2	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани	«MEDIVIZIO GBA» хусусий корхонаси	201247588	Январь
3	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани	«NURSHAN» МЧЖ	206940664	Февраль
4	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	«REAL-DENTA-SERVIS» хусусий корхонаси	205809114	Февраль
5	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	«ALL MED SERVICE» МЧЖ	207142114	Февраль
6	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	«ASHART DENTAL SERVICE» МЧЖ	207141409	Март
7	Тошкент шаҳри	Яшнобод тумани	«GAMMA-DENT» МЧЖ	301736474	Март
8	Тошкент шаҳри	Яшнобод тумани	«MAX-MEDICAL SERVICE» МЧЖ	302133584	Март
9	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	«SHANLO SHIFO» МЧЖ	201929728	Апрель
10	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	«KOMOLZODA SERVIS» МЧЖ	301289059	Апрель
11	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	«DENTAL-LYUKS» хусусий корхонаси	202714274	Апрель
12	Тошкент шаҳри	Миробод тумани	«GRAND LUX PARTNER» МЧЖ	207155588	Май
13	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани	«RA'NO FAYZMED SERVIS» МЧЖ	207133211	Май
14	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани	«DOKTOR SHOANVAR» МЧЖ	206890585	Июнь
15	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани	«MIR-FARM» МЧЖ	203814134	Июнь
11. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ					
1	Фарғона вилояти	Олтиариқ тумани	«MOON BEK LIGHT» хусусий корхонаси	301758978	Январь
2	Фарғона вилояти	Кўкон шаҳри	«ШИФО-АЛЛЕРГО» МЧЖ	301218937	Январь
3	Фарғона вилояти	Кўкон шаҳри	«VODIY ZIYO MED SERVIS» МЧЖ	301832166	Февраль
4	Фарғона вилояти	Фурқат тумани	«Озода-Хаёт» хусусий корхонаси	205949344	Февраль
5	Фарғона вилояти	Кўкон шаҳри	«ТАБОБАТ» хусусий корхонаси	202715068	Март

(Давоми. Боши 10-бетда).

6	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	«FAR FLEBOS SERVIS» хусусий корхонаси	205677485	Март
7	Фарғона вилояти	Учкуприк тумани	«MNJ-Шухрат» хусусий пуллик поликлиникаси	203762191	Апрель
8	Фарғона вилояти	Бешариқ тумани	«Ирода Болтабоева» кўптармоқли ишлаб чиқариш фирмаси	204983977	Апрель
9	Фарғона вилояти	Кува тумани	«Mediya-Muxayyo» хусусий фирмаси	204666096	Май
10	Фарғона вилояти	Бешариқ тумани	Ўзбекистон Республикаси «Саломатлик-Р» МЧЖга қарашли «Рапқон-сиҳатгоҳи» шўба корхонаси	200155624	Май
11	Фарғона вилояти	Кува тумани	«Far Qubbo suv Qurilish» хусусий корхонаси	301826631	Июнь
12	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	«ЭНДОСКОПИЯ ТАШХИС-ДАВОЛАШ» хусусий корхонаси	301269430	Июнь
12. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ					
1	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	«САДО ДЕНТА ПУЛЬС» хусусий стоматология корхонаси	300121387	Январь
2	Хоразм вилояти	Янгибозор тумани	«Собир ота» хусусий корхонаси	201045364	Февраль
3	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	«ФЕРУЗБЕК-СЕРВИС» хусусий корхонаси	204898195	Март
4	Хоразм вилояти	Хива тумани	«DENTA LOR SERVIS» МЧЖ	301968771	Апрель
5	Хоразм вилояти	Гурлан тумани	«ВАНРОМ BOVOJONOV» хусусий клиникаси	205507711	Май
6	Хоразм вилояти	Кўшкўпир тумани	«Супердент» хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси	204734565	Июнь
13. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ					
1	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	«O'NGBOEV DARMON SHIFO» хусусий корхонаси	301674309	Январь
2	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	«SHUKRONA GRAND SERVIS» МЧЖ	301940776	Февраль
3	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	«FERUZABONU SHIFO MASKANI» хусусий корхонаси	302386174	Март
4	Қашқадарё вилояти	Шахрисабз шаҳри	«ПАХЛАВОН» корхонаси	201601259	Апрель
5	Қашқадарё вилояти	Яккабоғ шаҳри	«Жўра Тилолов» номли сиҳатгоҳ	205599851	Май
6	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	«Маржона М» хусусий корхонаси	202335114	Июнь
14. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Тахиятош шаҳри	«КО'Р ТАРМОҚЛИ ТАХИАТАШ ТИВБИЙОТ» хусусий корхонаси	302064060	Январь
2	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	«SAMARA END KO QORAQALPOG'ISTON» МЧЖ	302085763	Февраль
3	Қорақалпоғистон Республикаси	Тўрткўл тумани	«Стоматолог» шахсий шифохонаси	200392520	Март
4	Қорақалпоғистон Республикаси	Кўнғирот тумани	«Shifo-Kungrad» хусусий корхонаси	302235346	Апрель
5	Қорақалпоғистон Республикаси	Тўрткўл тумани	«Хамдам Шифо» ХК	301672604	Май
6	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний тумани	«Шоҳ Аббос» хусусий фирмаси	203249149	Июнь

Конференция

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

2015 йилнинг 2 декабрь куни Бухоро шаҳрида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманни Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи И. Амонов кириш сўзи билан очиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратди. Шунингдек, Бухоро Давлат тиббиёт ин-

ституту ректори, профессор Т. Асқаров республикамизнинг барча худудларида, жумладан, вилоятда ҳам аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича юқори натижаларга эриши-лаётганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, республикамиздаги тиббиёт олийгоҳлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари, хорижлик мутахассислар иштирок этдилар.

Кун тартибидан ўрин олган «Гиперандрогенлик синдроми. Ташхис ва даволаш», «Пешобтаносил тизими инфекцияси: ташхис ва замонавий даволаш», «Бачадон миомасини ташхислаш ва даволашнинг замонавий масалалари» каби долзарб мавзуларда юртимизнинг малакали мутахассислари ҳамда хорижлик соҳа вакиллари томонидан маърузалар ўқилди. Шундан сўнг тадбир акушерлик-гинекология

ва педиатрия йўналишларидаги секцияларда давом этди.

Илмий-амалий анжуман доирасида 3 декабрь куни Бухоро вилояти перинатал марказида мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Тадбир якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан анжуман резолюцияси қабул қилинди.

ЎЗА.

Маҳорат дарслари

ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Жорий йилнинг 28-29 ноябрь кунлари Республика перинатал марказида шифокорларнинг неонатология ва гинекология соҳасида қўлланилаётган янги технологиялар бўйича малакасини ошириш ўқув маркази очилди ҳамда тезкор гинекологияда лапароскопия ва гистироскопия мавзусида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" миллий модели оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофазалаш, жисмонан ҳамда маънан етук фарзандларни вояга етказишда юксак самара бераётганини алоҳида таъкидладилар.

да бу йўналишдаги ишлар кўлами кенгаймоқда. Мамлакатимизда тиббиётнинг перинатология, неонатология ва гинекология йўналишида ўзига хос замонавий тизим шакллантирилган бўлиб, унда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар бу борада жаҳондаги нуфузли илмфан муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ-

йўналишдаги ишларга масъулдир. Янги ўқув маркази Германиянинг GIZ лойиҳаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари томонидан тантанали тарзда очилди.

Ўқув маркази замонавий ахборот ва тиббий технологиялар билан жиҳозланиб, назария ҳамда амалиёт уйғунлиги таъминланмоқда. Операция жараёнларини трансляция орқали ўқув залида намойиш этиш имконияти яратилди. Мазкур йўналишдаги илк семинар гинекология ва педиатрия соҳасида қўлланилаётган миниинвазив операцияларга бағишланди. Унда вилоятлардан келган мутахассислар жаҳон тиббиёти соҳасидаги



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги "Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асоси-

ни сақлаш вазирлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти тиббиёт ходимларининг юқори технологиялардан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур ўқув маркази ушбу



сўнги янгилликлар бўйича тажриба алмашдилар.

– Ушбу ўқув марказининг очилиши биз каби ёш мутахассисларнинг касб малакамизни бойитиш билан бирга, мураккаб операция жараёнларини муваффақиятли амалга ошириши-

мизда муҳим ўрин тутди. Бўлиб ўтган маҳорат дарслари Москва акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти етакчи ходими – эндоскопия жарроҳлиги бўлими раҳбари, профессор Александр Попов томонидан олиб

борилди. Фаолиятим давомида бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, бу борадаги тажрибаларимни бойитиб қайтдим. Шу кунга қадар бу каби мураккаб операцияларни ҳамкасбларимиз ҳамкорлигида ҳам амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди Республика перинатал маркази акушер-гинеколог Фуркат Собиров.

Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, фан уфқларининг илмий салоҳият йўлидаги изланишлари, маҳорат дарсларининг узлуксиз тарзда давом этиши соҳа мутахассислари малакасини ошириб, ёш олимларнинг янгилликлар сари интилишларида кенг имконият яратди.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

101 хизмати

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Республикамиз бўйлаб «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирлари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Куз-қиш мавсуми келиши, об-ҳавонинг кескин совиб кетиши билан фуқаролар билар-билмас газ ва электр иситиш асбоб-ускуналаридан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмай фойдаланишлари натижасида кўнгилсиз ҳодиса рўй бериб, бинолар ва инсонларга моддий-маънавий зарар етказилмоқда. Ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган афзалроқдир. Бу борада хизмат ходимлари томонидан жойларда видеолавлар, кўргазмалар қуроллар ёрдамида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

– Сиз ҳаётда бир бор бўлса-да, ёнғин ҳодисасини кўрганмисиз? Дейлик, қўшингизнинг уйдан бирор сабаб билан ёнғин чиқди. Қўшининг уйи ёнса, бунинг бошқа хонадонларга таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Ёнғин хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар келтиради. Иккинчидан ёнғингиздаги қўшни хонадон гувиллаб ёнадию, сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким қафолат беради, – дейди муло-

қот чоғида Тошкент шаҳридаги 12-ХҲХО 2-ХҲХ алоҳида пост бошлиғи, капитан Фаррух Хусанов. – Кўришиб турибдики, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз тинч, осуда яшашингиз учун тўла асос бўла олмас экан.

Тез-тез учраётган бу каби ҳолатлардан шундай хулосага келиш мумкинки, газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда энг оддий ва аризмасдай кўринган тартиб-қоидаларга ҳам оғишмай амал қилиш, иситиш воситаларидан яроқсиз ҳолда фойдаланмаслик ва уларни назоратсиз қолдирмаслик, асосийси, уй ичида маст ҳолда ортиқча ҳаракатланмаслик олов билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг зарурий шартларидандир.

– Бинолардаги ёнғин ўчириш кранлари рукава, дастаклар билан таъминланиб, шкафчалар ичида муҳрланган ҳолда сақланиши керак. Ёнғин ўчириш рукавалари яхши қуритилиб, ўралган ҳамда дастак ва жўмрак уланган бўлиши керак, – дея изоҳлайди кичик сержант Д. Фание-

ва. – Ёнғин ўчириш кранларининг ҳар бири шкафи эшигида тартиб рақами, яқин атрофдаги ёнғин ўчириш идорасининг телефон рақами ҳамда ҳарфли билдирувчи белгилари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, катта инспектор, сержант А. Кенжаев, кичик инспекторлар Зафар Гафуров ва Нурилла Анваров корхона-ташкilotларда ёнғин келиб чиқилишининг асосий сабаблари сифатида электр жиҳозлари ва асбоблари ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, оловдан ноқиллона фойдаланиш, электр-газ пайвандлаш ва бошқа

таъмирлаш ишлари бажарилаётганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик эканлигини қайд қилиб ўтди.

– Энг самарали ва оддий тўсиқ ёнғинга қарши девордир. Аммо ёнғинга қарши девор барпо қилиш қатор ҳолларда технологик жараёнларни ташкил этишда қийинчилик туғдиради, бу эса лойиҳаланаётган объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларида ўз аксини топади, – дейди кичик сержант Дилшод Зуфаров.

Шахзод ТўРАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Кардиология ва геронтология кафедраси доценти Лилия Эргашевна Атахановага турмуш ўртоғи

Ўткир СУЛТОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бош ҳамшираси

Норбуви ОДИЛОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4223 нусха.
Буюртма Г-1258.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 3 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

